

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog`liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgtz.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 26 июнь • №18 (1299)

ҚАЛАМИ ҚАЛҚОНДИР, БАЙРОФИ ВИЖДОН

Маълумки, соҳалар тараққиёти жамият равнақига хизмат қилади. Шу боис, мамлакатимизда ҳар бир соҳа тақомиллашувиغا алоҳида эътибор қаратилади. Жамият фаровонлиги йўлида ҳукумат ва халқ ўртасида кўприк ва зифасини ўтовчи яна бир соҳа борки, уни биз оммавий ахборот воситалари – ОАВ деб атаймиз. Бу йўналишда касбига содиқ ходимлар эса ушбу соҳанинг чинакам фидойилари ҳисобланади.

Журналист... Касбидан тез фурсатда бойиб кетмайдиган, баъзан эртанги харажатларини ўйлаб турса-да, ориятни бутун, ижоди – ёзганлари билан кўнглини тўқ тутувчи меҳнаткаш инсон. Ростки, бугунга қадар биз бу касб эгасининг шиддатини ҳам, масъулиятини ҳам кўрдик. Ҳар қачонки, сўз эркинлиги бу касб эгасининг маънавий озукисидир.

Табиийки, мамлакатимизда мазкур соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинади. Жумладан, соҳа вакиллари рағбатлантириш мақсадида бир қатор мукофотлар, танловлар ва ижтимоий лойиҳалар жорий этилган. Шубҳасиз, сўнгги уч-тўрт йил давомида соҳа фаолияти тақомиллашуви учун инкор қилиб бўлмайдиган кенг имкониятлар яратилди. Том маънода айтганда оммавий ахборот воситалари қайта жонланди, сўз эркинлиги сезиларли даражада мустаҳкамланди. Айтиш керакки, мамлакатимизнинг бу борадаги қарашлари халқаро майдонларда ҳам муносиб эътироф этилди. Табиийки, мазкур ислохотлар натижасида мамлакатимизда бир неча хусусий ва ихтисослашган телеканаллар фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, интернет журналистика ҳамда онлайн нашрлар фаолияти ҳам жадаллашмоқда. Яъни, ижтимоий тармоқда тезкор суръатда ишлаш имкониятига эга расмий ва норасмий сайтлар фаолият бошлади. Яна бир аҳамиятли жиҳат, давлатимиз раҳбарининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, олий таълим муассасаларидаги соҳа ходимларини тайёрловчи факультетлар алоҳида университет сифатида ташкил этилди. Албатта, шулардан келиб чиққан ҳолда соҳа фаолиятини дарв талабига мос равишда тақомиллашмоқда, дейиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Кўп одамларга журналистлар ёқмайди, лекин менга улар ёқади.
Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Юртимиз шифохоналарида

ТАКЛИФ БОР, ТАЛАБ БОР ЭЪТИБОР ЗАРУР

Илм-фан ва технологик тараққиёт натижасида барча соҳалар қатори тиббиёт ҳам ривожланиб, даволash муассасалари энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Бироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож беморларнинг муайян тоифаси, жумладан, сурункали буйрак етишмовчилиги билан оғриган ва гемодиализга муҳтож ёки сунъий буйрак аппарати ёрдамида ҳаёт кечириётган беморлар сонининг ортиб бораётгани ташвишли ҳолат. Сир эмас, ушбу соҳа қатор йиллардан бери эътибордан четда қолиб келаётган эди. Президентимизнинг 2018 йил 12 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги муаммоларни бартараф этишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Мазкур ҳужжат билан аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиб-

бий ёрдами кўрсатиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Шу ўринда Навоий вилоятда сурункали буйрак етишмовчилигига дучор бўлган, гемодиализга муҳтож беморлар сонини ўсиш динамикасини таҳлил қилиб кўрсак. 2015 йилда вилоятда 68 нафар бемор сунъий буйрак аппарати ёрдамида ҳаёт кечиришга муҳтож бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 82, 2017 йилда 98, 2018 йилда 119, 2019 йилда 143 ва 2020 йилнинг ўтган икки чоралигида 163 нафарга етган. Бундан кўриниб турибдики, йилдан-йилга мазкур турдаги беморларга эътибор ва тиббий хизмат сифатининг оширилишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Вилоятда ҳозирги вақтда 88 нафар бемор мунтазам гемодиализ муолажаларини олиб келмоқда. Масалан, вилоят кўп

тармоқли тиббиёт маркази Нефрология ва гемодиализ бўлимида 60 нафар беморда 5 дона сунъий буйрак аппарати ёрдамида гемодиализ муолажалари ўтказилмоқда. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали токсикология ва экстракорпорал детоксикация бўлимида 28 нафар беморга 2 дона сунъий буйрак аппарати ёрдамида хизмат кўрсатилмоқда.

Марказдаги 2 дона аппарат вилоят бўйича шошилинч гемодиализга муҳтож бўладиган ҳолатларда беморларга шошилинч гемодиализ муолажасини ўтказиш зарурияти туғилса муаммо пайдо бўлиши мумкин. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам режали гемодиализ муолажаларини олиб келаётган беморлар кўлиги учун унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қароридан ихтисослаштирилган туманлараро гемодиализ марказлари қуриш кўзда тутилган бўлиб, бунда ху-



сусий сектор учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун ҳорижий ва маҳаллий инвесторлар билан ҳамкорликда давлат-хусусий шериклик тамойили асосида туманлараро ихтисослаш-

тирилган гемодиализ марказлари ташкил этиш керак. Бу вилоятдаги барча гемодиализга муҳтож беморларни қамраб олиш имконини беради. Бунда, охириги йилларда қандли диабет касаллиги билан оғриган ва гемодиализга муҳтож (Давоми 2-бетда).

ҚАЛАМИ ҚАЛҚОНДИР, БАЙРОФИ ВИЖДОН

Аслида ҳам ахборот олиш ва уни тарқатиш тартиби, сўз эркинлигининг таъминланиши соҳа фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, соҳа вакилларининг мазкур ҳуқуқлари тизимга оид тегишли қонун ҳужжатлари билан мустақамлаб қўйилган. Бундан ташқари, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги назорати доирасида ахборот хизматлари фаолияти ривожлантирилмоқда.

Тўғри, юқорида таъкидланган маълумотлар ва ижобий кўрсаткичлар, албатта, ҳар бир соҳа вакилини қувонтиради. Бироқ, сўнгги вақтларда соҳанинг тарихий илдизи, асосий негизи босма оммавий ахборот воситаси – матбуот нашрларига бўлган эътибор сезиларли, хатто ачинарли даражада сусайди. Албатта, амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоҳанг тарзда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муассислигида “Янги Ўзбекистон” газетаси фаолияти йўлга қўйилди ва зарурий имкониятлар билан таъминланди. Аммо афсуски, республика даражасидаги нашрларнинг барчаси ҳақида ҳам бундай деб бўлмайди. Жумладан, аудиторияси кенг ҳисобланувчи йўналиш-

(Давоми. Боши
1-бетда).

лар: таълим, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва шу каби қатор тизимларга ихтисослашган нашрларнинг бугунги кундаги тиражини ҳеч қанақасига мақсадга мувофиқ дейишнинг имкони йўқ. Мутахассисларнинг фикрига кўра, хаттоки, республиканинг биринчи нашрининг бу борадаги кўрсаткичларини ҳам юқори баҳолаб бўлмайди. Ҳар йили обуна мавсуми олдида интернет нашрлари орқали “Босма нашрларнинг даври ўтди” сингари янграйдиган бонглари эса “заказ” маҳсулотларга қийсلاш мумкин. Албатта, бунинг хохлати мазмунини ҳам қабул қилиш ўринлидир. Лекин бугунги мавжуд расмий сайтларни ҳам бу вазифани тўлақонли адо этаётти, дея олмаимиз. Сабаби, улар қайсидир маънода тезкорлик жиҳатидан фикримизни инкор этиши мумкин, бироқ тезкорлик журналистиканинг, оммавий ахборот воситаларининг биргина талаби ҳолос. Журналистикада бундан ташқари таҳрир, таҳлил, шарҳ каби қатор тушунчалар ҳам бор. Шунингдек, интернет нашрларидаги мавжуд муносабатлар ҳам маълум мутасадди ташкилотларнинг изоҳидан иборат бўлиб қолмоқда. Қолаверса, ҳар хил олдиқонди галлардан иборат “журналистик маҳсулотлар”га ҳам тез-тез кўзимиз тушиб туради. Қарама-қарши фикрларга доимий жа-

воб тайёр: бугун тараққиёт ва замонавий технологиялар асри... Ҳуринли иддао. Эътироз билдириш мушкул.

Ҳўш, модомики шундай экан, замонавий тараққиётнинг бу босқичларини аллақачон босиб ўтган Америкадек ривожланган давлат нега ҳанузгача босма нашрлардан воз кечмади экан? Қолаверса, турли соҳа вакиллари ўз ихтисослигига йўналтирилган нашрларни кузатиб бормаса, мамлакат миқёсида тизимга киритилаётган янгиликлар, қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар ва улар ижросини таъминлашга қаратилган вазифалар бўйича қайси манбадан батафсил маълумот олади? Бу эса мутасадди вазирилик ва ташкилотлар ўз ўрнида жиддий эътибор қаратиши лозим бўлган оғрикли савол.

Масаланинг бу жиҳатига эътибор қаратмоқчи эмасдик аслида. Шундай бўлса-да, тан олиш керак соҳанинг мазкур йўналишида бугунги кунда ҳам талайгина журналистлар фаолият юритади. Қалами ўртир, сўзи кескир, ҳақиқатни ёритувчи фидойилар. Қолаверса, тарих гувоҳ: илдизида болта урилган соҳанинг келажиги ҳам кўзланган мақсад ва натижаларни бермаслиги мумкин. Тўғри, мамлакатнинг энг чекка ҳудудларида ҳам интернет масалалари (тезлик), электир-энергия таъминоти бўйича мутлақо муаммо туғилмайдиган,



аҳолининг барча қатлами замонавий технологиялар имкониятидан тўлиқ фойдалана оладиган келажак ҳам яқин албатта. Бироқ унчага ўз фикримизни ўзимиз инкор этишга ўринишимизнинг жамиятга ҳеч қандай фойдаси йўқ.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходим-

лари куни. Ҳар йили ушбу сана яқинлашиб келар экан, соҳа ходимларининг, ҳамкасбларининг ижодкорлик шижоати эътироф этилади. Соҳа вакиллари эса шу куннинг эътибори билан йил давомида зиммасидаги маъсулиятни астойдил адо этишга ҳаракат қилади.

Сўз сўнгига касбига умрини бағишлашга ҳам тайёр, юртимиз равнаки, жамият фаровонлиги йўлида фаолият юритиб келаятган матбуот ҳамда оммавий ахборот воситаларининг фахрийлари – устозларни ва барча соҳа вакилларини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан қизгин табриклаймиз. Байрам барчангизга муборак бўлсин. Олтин қаламингиз илҳом ва ижоддан тўхтамасин.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.
Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.

Юртимиз шифохоналарида

ТАКЛИФ БОР, ТАЛАБ БОР ЭЪТИБОР ЗАРУР

беморлар сони муттасил ортиб бораётганини эътиборга олиш зарур. Албатта, хусусий сектор томонидан бундай марказларни очиб мумкин. Лекин масаланинг ихтисодий жиҳатларини ҳисобга олиш шарт. Яъни, ихтимомий химояга муҳтож 1-, 2-гурӯх ногиронлиги бўлган беморлар ҳафтасига 2-3 марта таба амбулатор шартда сунъий буйрак аппарати ёрдамида муолажалар олиши анча қimmat тушади. Гемодиализ муолажасига ишлатиладиган сарфлов воситалари нархи юқорилиги сабабли беморлар хусусий сектор клиникасида 800 минг сўм тўлаб ушбу муолажаларни олиш имконияти мавжуд бўлмаслиги мумкин.

Президент қароридан хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан давлат-хусусий шериклик асосида ихтисослаштирилган марказлар ташкиллаштириш кўрсатилган бўлса-да, бугунги кунда вилоятда бундай хусусий даволаш муассасалари мавжуд эмас. Давлат-хусусий шериклик асосида ушбу хизмат йўлга қўйилса, бюджет маблағлари тежалани, тиббий хизмат сифати яхшиланиши, электр-энергияси, сувни тежаб ишлатиш ва бошқа ижобий жиҳатлар юзга келиши кутилмоқда. Ҳозирги кунда гемодиализ сеансига кетадиган сарфлов воситалари, тиббий аппаратларни таъмирлаш, мавжудларини ҳар беш йилда янгилаш бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Давлат-хусусий шериклик асосида гемодиализ маркази барпо этилса, давлат бюджети маблағларини тежаб учун кулай имконият пайдо бўлади. Коронавирус туфайли бюджет тақчиллиги даврида маҳаллий

(Давоми. Боши
1-бетда).

бюджетга ёрдам, аҳолига кулайлик юзга келади. 2019 йил 21 октябрда Соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилган. Бугунги кунда вилоятнинг олис ҳудудлари Зарафшон шаҳри, Учқудуқ, Томди туманларида 300-320 километр масофа йўл босиб, ҳафтасига 2-3 марта Навоий шаҳрига қатнаб гемодиализ муолажасини олиб, ҳаёт кечириётган беморлар бор. Йўлдаги толиқишлар, сарсонгарчиликларни бартараф этиш учун 3 та туманга Навоий комметаллургия комбинати ёрдами билан Зарафшон шаҳрида Марказий кон бошқармасига қарашли 3-сон тиббий санитария қисмининг реанимация бўлимига Германияда ишлаб чиқилган сунъий буйрак аппарати ўрнатилди. 3 ўринли гемодиализ зали ва 5 ўринли сув тозалаш системаси учун жой тайёрланди. Умумий қиймати 122 минг евро бўлган тиббий аппаратлар учун маблағ комбинат ҳисобидан ўтказиб берилди ва яқин кунлар ичида тиббий хизмат йўлга қўйилди.

Вилоятнинг қолган барча ҳудудларини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш мақсадида Кармана туманида давлат-хусусий шериклик асосида туманлараро гемодиализ марказини ишга тушириш ҳар томонлама кулай бўлар эди. Бунга сабаб мутахассисларнинг фикрича Кармана ҳамда бошқа туманлар учун кулай ораликда жойлашган ҳамда ушбу туман ҳудудидан Дамўжа сув тармоғининг ўтганини гемодиализ учун ишлатиладиган тоза ва юмшоқ сувга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олсак кулай маъмурий ҳудуд ҳисобланади. Масалан, Хатирчи

тумани 65, Нурота тумани 70, Қизилтепа тумани 50, Қонимех тумани 30, Навбахор тумани 25, Навоий шаҳри 10 километр масофани ташкил этади. Мазкур маъмурий ҳудудда янги клиника ишга туширилса Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида гемодиализ сеансини олаётган беморлар дастлаб 1 ой даволашиб, сўнг амбулатор шартда давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган гемодиализ марказида давом этиштириш имконияти яратилади. Бундан ташқари, кўп тармоқли тиббиёт марказида буйрак трансплантацияси жарроҳлиги ўтказиладиганлигини, ушбу беморлар ҳам трансплантация амалиётдан олдин ва кейин гемодиализ муолажасини олишга тўғри келишини инобатга олиш зарур.

– Навоий вилояти эндокринология диспансерида вилоятда қандли диабет касаллиги ва унинг асорати сифатида сурункали буйрак етишмовчилиги терминал босқичи билан оғриган ва гемодиализга муҳтож беморларнинг кўпайганлигини ҳисобга олиб, ушбу диспансерда гемодиализ бўлимини ташкил этиш ҳамда 10 донa сунъий буйрак аппаратларини ўрнатиш режалаштирилган эди, – дейди Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси гемодиализ бўйича бош мутахассиси Ғайрат Мусаев. – Сметалойиҳа ишлари амалга оширилди, иш бошланиш арасида номаълум сабабларга кўра вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган 1 миллиард сўм эвазига ўзбошимчилик билан Республика шойлинич тиббий ёрдам илмий маркази Навоий вилояти филиалига Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган 2 донa сунъий буйрак аппарати олиб келтирилган. Аммо, ушбу аппа-

ратлар 3 ой ишлаб-ишламай техника носоҳ холга келиб қолган.

Таажжуб, ахвол шу тариқада давом этадиган бўлса, сурункали буйрак етишмовчилигидан азият чекиб, гемодиализга муҳтож беморлар сони ортиб бораверади. Натижада уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун қўшни вилоят ёки узоқ йўл босиб пойтахтда даволаштишга тўғри келади. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказидаги аппаратлар ҳам носоҳ холга келиб қолса, ушбу аппаратларга сервис хизмат кўрсатиши ҳам қоникарли, деб бўлмайди.

Муаммоларни бартараф этишнинг мақбул ечими давлат-хусусий шериклик асосида туманлараро амбулатор гемодиализ марказини маҳаллий хусусий сектор билан ҳамкорликда ташкил этишдир.

Масалан, шу кеча-кундузда 88 нафар бемор ҳафтасига 2-3 марта гемодиализ муолажасини олиб келаятган бўлса, яна 163 нафар бемор сунъий буйрак аппаратларига муҳтож. 1 донa аппаратга 8-10 та касал тўғри келганда сифатли гемодиализ муолажасини ўтказиш имкони борлиги ҳисобга олинса вилоят аҳолиси учун яна 16 донa сунъий буйрак аппарати керак бўлади. Асосийси, иншоотни қуриш, керакли жиҳозларни харид қилиш, янги иш ўринлари яратиш, техника модернизация ташаббускор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Агар ушбу лойиҳа амалга оширилса, фақат бугунги эмас, эртанги кунни ва келажакни ўйлаб иш қилинган ҳамда сурункали буйрак етишмовчилиги терминал босқичи билан оғриган ге-

модиализ сеансига муҳтож беморлар соғлом фикрловчи, жонқуяр инсонлардан рози бўларди. Ҳар йили давомида хусусий тиббиёт муассасасини қуриш учун “Гранд” хусусий оилавий клиникаси талабгор бўлмоқда. Тадбиркор сунъий буйрак аппаратлари келтириб ўрнатиб, барча гемодиализга муҳтож беморларни қамраб олишни режалаштирмоқда. Ушбу муҳим жиҳатларни инобатга олиб, Кармана туманида туманлараро давлат-хусусий шериклик асосида амбулатор гемодиализ хизмат кўрсатиш марказини қуриш ва қисқа муддатда ишга тушириш билан буйрак етишмовчилигидан азият чекаётган беморлар учун шарт яратилган ва шу асосда Президентимиз қарори ижроси таъминланган бўлар эди. Мазкур ташаббуснинг давлат учун афзалликларидан яна биров маҳаллий ташаббускор давлат-хусусий шериклик талаби бўйича 12 донa сунъий буйрак аппарати ҳамда 20 ўринли сув тозалаш системасини қисқарттирилган Германия давлатидан олиб келиб ўрнатишни режалаштирмоқда.

Коронавирус тарқалган айни вақтда қириб-қичқийи алоҳида бўлган гемодиализ залларига эҳтиёж сезилмоқда. Бундай заллар ҳозир афсуски вилоятда мавжуд эмас. Бинобарин, барча касаллар битта залда гемодиализ муолажасини олишга мажбур. Беморлар ўртасида, хусусан хизмат кўрсатувчи персонал – тиббий ходимларнинг ҳам ушбу юқумли касалликлар билан зарарланиши хавфи юқори.

Мухтасар айтганда, давлат-хусусий шериклик асосида гемодиализ хизмати йўлга қўйилса, 30-40 та янги иш ўринлари яратилади. Энг муҳими, маҳаллий бюджетга катта маблағ тежалани, тиббий хизмат сифати янада ошади.

Нуриддин РАҲИМОВ.

ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОР — МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА УНИ НАМОЁН ҚИЛИШ АСОСИДИР

Ўзликни англаш бу осон кечадиган воқелик эмас. Ўзликни англаб, уни намоен этиш янада мураккаб ва анча вақтни талаб этадиган ҳодисадир. Биз мустақилликка ўзликимизни ангаш натижасида эришидик. Лекин уни тўлиғича намоен этиш жараёни ҳали ҳануз давом этмоқда.

1989 йилда «Давлат тили тўғрисида»-ги қарорнинг қабул қилинганлигига 30 йилдан ошган бўлса-да, мазкур меърий-ҳужжатнинг амалдаги ижроси ҳанузгача тўлиқ таъминланмай келаётгани, ҳеч биримизга сир эмас. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда маънавий-маърифий ишлар самардорлигини янада ошириш, давлат тилида иш юриштириш самарали ташкил қилиш ҳамда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз ривож этилишига эришиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори асосида давлат органлари ва ҳўжалик бирлашмалари тузилмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ривож этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Ушбу янги лавозимни эгаллаган мутахассисларга юқоридаги вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича жуда катта масъулият юклатилди. Аввало, масаланинг назарий жиҳатида эътибор қаратадиган бўлсак, ўзбек тили мақомининг давлат тили сифатда тан олинishi замонавийлик нуктаи назаридан Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг миллий тили ва маданиятининг тенглигини назарда тутди. Шунинг учун ҳам қандайдир давлатда давлат тили доимо унинг амалий жиҳатларини бойитиши ҳамда номини берган миллат давлатчилиги нуктаи назаридан уни янада мустаҳкамлаш заруратини юзага чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу мақомнинг мустаҳкамлигини натижасида, у БМТ томонидан тан олинган дипломатик мулоқот тили мақомини олди. Бу ўз навбатида, халқаро муносабатларда қўлланиш мавқеи нуктаи назаридан унинг қўлланилиш доирасини давлат ва нодавлат ташкилотларнинг давлат тилидаги ички ҳужжатлар ҳамда улар ўртасидаги ёзишмалар борасида кенг қўлланишини мамлакат бўйлаб кенгайтиришини қонунан тақозо этади. Албатта, дастлабки вақтларда давлат тили мақомини ҳаётга тadbик этилиши муайян қийинчиликлар, чекинishлар, ўзбек тилида сўзлаша олмайдиган аҳоли учун руҳий қийинчиликлар туғдириш холатлар ҳам бўлиб ўтганлиги сир эмас. Лекин, айна пайтда, Ўзбекистонда уни ҳаётга тadbик этишининг демократик услубияти ҳам намоен бўлди ва бу бағрикенглик имкониятидан Ўзбекистон фуқароси сифатида мамлакатимизда яшаётган бир юз ўттиздан ошмиқ миллат вакилларининг қанчалик даражада фойдаланганлиги айна ҳақиқатдир. Биз давлат тилини тўлиқ тadbик этилиши мuddатларининг узайтирилиши, уни ўрганиш бўйича курслар ва мактаблар тармоғининг кенг ёйилиши, энг асосийси эса, русийзабон ва бошқа миллат вакилларидан иборат аҳолининг ўзбек тилини ўрганиши учун аниқ фаолиятнинг амалга оширилиши, ўзбек тилига сўзлашувчи аҳоли ўртасида эса - бу осон кечмайдиган ишда уларга ёрдам беришдаги ижобий интилишида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ерда, энг асосийси, тил мансублиги бўйича зиддиятлар туғилишига йўл қўймаслик лозимлиги асосий мезон сифатида олиб қаралди. Зеро, тил асосидаги қарама-қаршилиқнинг вужудга келиши сиёсий маданиятни етарлича бўлмаган шарт-шароитларда яхшиликка олиб келмаслиги мумкинлиги доимий эътиборда бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ўзбекистон раҳбарияти ҳам ушбу ҳолатни қатъий назорат қилмоқ-

да ва бу соҳадаги ҳар қандай чекинish ва суистеъмолликларнинг олдини олмоқда. Журнал, рўзнома, радио ва телевиденияда турли тилда сўзлашувчи муаллифлар чиқиш қилмоқдалар, ушбу оммавий ахборот нашрлари турли тилда фаолият юритмоқда ва шу тарзда миллий мансублигидан қатъий назар ҳар бир фуқаро учун Республикаимиз ҳаётидан хабардор бўлиб туриш учун имконият яратилмоқда. Шу тўғрисида, алоҳида олинган инсон қўп миллатли муҳитда ўзига хос миллий дунёқарашга эга бўлмаслиги ва шунинг учун ҳам бегона бир элементга айлишини тўғрисидаги фикрлар етарлича асосга эга эмасдир. Ҳамма гап шундаки, ушбу умуминсоний тамойил ўтмиш амалиётида ҳисобга олинмай келинади ва бу ҳол алоҳида шахс манфаатларини инкор этилишига олиб келиб, масалан, миллий кадр-қимматининг камситилишига, аксарият ҳалқ учун ўзининг миллий «Мен»лигини йўқотилишига ҳам олиб келарди. Инсон ва унинг манфаатлари устидан ва ихтимойий-синфий, на миллийлик тушунчалари оғир бўлиб турмаслиги лозим. Шу тарзда, унинг ихтимойий ва миллий танлови нафақат объектив шарт-шароитлар, шу билан бирга келажакка ишонч, ихтимойий ҳимояланганлик туйғуси акс этадиган унинг ички руҳий дунёқараш тилидан белгиланади. Миллий ўзликни танлаш ҳуқуқи, қадриятлар тизимини англашининг миллий шаклини танлови, маданиятнинг ўзига хослиқини аҳаимиятини англаб этиш - бу инсон эркинлиги тамойилининг энг асосий жиҳатларидан биридир. «**Эркинлик**» - **Амир Темурайтганларидек, «Фақат қонун устувор бўлгандагина мавжуддир.**

Демак, мамлакатни барча соҳаларда ривожлантириш ва уни муҳофаза қилиш борасида давлат тили, виждон, матбуот, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, ихтирийи жамоалар ва фуқаролар уюмлари, ҳаваскорлик ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари (маҳаллалар) тўғрисида қабул қилинган қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларини изчиллик билан жорий этиш зарурати туғилади. Бу ҳол бир томондан суистеъмолчиликлар, демократик жараёнларнинг бузилишининг олдини олса, иккинчи томондан - ҳар бир ҳалқ ва ҳар бир фуқарога миллатлиги ва диний мансублигидан қатъий назар, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни қафолатлайди. Энг асосийси бугунги кунда тил ўрганиш, миллий маънавиятимизнинг асосини ташкил қилувчи давлат тилига бўлган муносабатини масъулият билан ривожлантириш, ўтмиш аждодларимиз маънавий меросига ижодий ёндашган ҳолда янги, замонавий, жаҳон маданияти ва технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим бўлади. Бу йўналишда маориф, маданият ташкилотларига эмас, балки барча жамият аъзоларининг иштироки зарурдир. Лозим бўлса, жойларда шахсан ҳокимларнинг бевосита ҳалқ билан маънавий ва маърифат, Давлат тилининг нуфузи ҳамда заруратлиги тўғрисидаги суҳбатларини уюштириш, имконият даражасида телевидение, радио ва умуман, оммавий ахборот воситалари орқали кенг ташвиқот ишларини олиб бориш лозим. Бунда маҳаллий оммавий ахборот воситалари зиммасига раҳбариятнинг давлат тили ва маънавий ва маърифий соҳада ҳалқ билан бирга эканлигини намоен этуви чиқишларнинг рангбаранглигини ошириш, унинг ҳақиқий ва ҳаётий кўринишларини батафсил оммага етказиш вазифаси туради. Бизнинг назаримизда, шахар, туман ҳокимлари ўрнак бўлсалар, маънавий янгилашини давлат тилига бўлган салоҳиятли ижобий муносабат, муҳитни ўзларидан бошласалар, қўзланган мақсадга эришган бўлар эдик.

Негаки, мажозий маънода айтганда, ўзи сувда сузишни билмаган киши кемада ишлагани билан денгизчи бўлмайди. Шу маънода яна бир бор таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон аҳолиси

миллий таркибининг мураккаблиги ва ўзига хослиги шундаки, унинг фуқаролари бир юз ўттиздан ошмиқ миллат, элат, этник гуруҳларнинг бирлашмасидан ташкил топган. Шу боис, биргаликда яшаётган турли миллат вакилларининг миллий ўзига хослигини тан олиш ва ҳурмат қилиш давлат тили орқали маънавий салоҳиятимизнинг янги қирраларини очишда ва ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Ҳадиси Шарифда айтилишича, «Тил миллат кўзгусидир». Ўтмишдан маълумки, давлат тили мавжуд жамият маънавияти ва тараққиётининг асосини ташкил қилади. Шу нуктаи назардан, давлат тили қўп миллатли мамлакатимиз халқларининг жиқслашиши ва жамиятимиз ривожланишининг асосидир. Шундай экан, ҳали ҳанузгача қўпгина давлат тилида иш юритиш имконияти етарли бўлган ташкилотларда ҳамон иш рус тилида юритилаётганлигини қандай тушуниш ёки баҳолаш мумкин?! «Давлат тили тўғрисида»ги қонунга, Президент фармониға муносабат шу даражада бўлиши керакми? Мутасадди ташкилотлар ва жавобгар раҳбар шахсларнинг нега бу ҳолатга эътиборлари суств? Булар барчаси давлат тилининг амалга жорий қилиниши жараёнини суствлаштиради, мuddатини узайтиради, охири оқибатда миллий давлатчилик ҳусусиятига пугур етказилади. Бу борада мавжуд имкониятларни бутун шижоати ва омилорлигини ишга солган ҳолда қонун устуворлиги асосида максимизм сари йўналтириш талаб қилинади. Негаки, бу келажак жамиятимизни бекаму кўст бунёд этишимизнинг адоллатли ва қонуний шартларидан биридир. Юқорида билдирилган давлат тили тўғрисидаги мулоҳазаларимизни адолат нуктаи назаридан миллий давлатчиликни ривожланишининг фарз бўлгани идеаллари ёки бўлмасқа қадриятлари бўлганлиги учун ҳам бугунги кунда уни шак-шубҳасиз самарали тарзда юзага чиқариш лозимлигини тўғрисида олган ҳолда, қўпчилик ҳўқмига ҳавола этдик. «Холва, холва деган билан оғиз ширин бўлиб қолмайди» деган ҳалқ мақоли бор. Ушбу қарорғача бўлган даврда давлат тили масаласида ҳам шундай ҳолат бўлиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги кунда мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича давлат органлари ва ҳўжалик бирлашмалари тузилмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ривож этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиларининг масъулиятини оширади ва улар томонидан жиҳдий қадамлар ташланishiға умид қиламиз. Албатта, давлат тилини тўлақонли давлат тили даражасига кўтариш бу фақатгина соҳа мутасаддиларининг ижро қилиши лозим бўлган масала эмас, балки барча Ўзбекистон халқининг - фуқароларининг асосий вазифаси эканлигини ҳар биримиз ёддан чиқармаслигимиз ва бу ишга қамарбаста бўлишимиз лозим. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ушбу масалада вазирлиқнинг «**Вазирлик тизимидаги муассасаларда давлат тилида иш юритиш самарали ташкил қилиш ҳамда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз ривож этиш тўғрисида**»ги алоҳида буйруғи билан тасдиқланган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги қонун муассасаларда давлат тилида иш юриштириш самарали ташкил этиш ва унинг ижросини назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳи тузилиб, унинг олдиға вазирлик тизимидаги муассасаларида Давлат тилини қонунда белгиланган тартибда жорий қилинишини ташкиллаштириш ва унинг ижросини сифтли амалга оширилишини назорат қилиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди. Шунингдек, вазирлик тасарруфидийи барча Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шахар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, бўлимларида, жумладан, тиббиёт таълими, даволлаш-профилактика муассасалари, Санитария-эпидемиологик оғойишталек агентлиги, илмий-амалий марказларда ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида ҳужжатлар, ёзишмалар, қўчаларға ўрнатилган реклама баннерларнинг сўзсиз давлат тилида

(Ўзбек тили) юритилишини таъминлаш; - вазирлик тизимидаги тиббиётга алоқадор муассасаларнинг биолари пештоқдаги номлар ва унинг ичидаги хоналар эшигидаги атама биринчи навбатда давлат тилида ҳамда заруратдан келиб чиқиб ундан кейин бошқа тилларда ёзилиши; - вазирлик тизимиға кирувчи ҳудудлардаги барча таркибий бўлимлар ва муассасаларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда амал қилиниши бўйича жамоатчилик назорати ташкил этиши;

- тегишли бўлимға мазкур буйруқнинг барчаға етиб боришини таъминлаш мақсадида вазирлиқнинг расмий веб-сайтиға жойлаштирилиши каби масалалар бўйича кўрсатмалар берилди ва назоратға олинди.

Шунинг билан биргаликда қуйидаги масалаларға жуда ҳам жиҳдий эътибор қаратиш мақсадға мувофиқдир:

1. Барча дори-дармон воситаларини қўллаш бўйича йўриқномалар ва рецетплар давлат тилиға ўзгартирилди. Бу иш қонуний йўл билан четдан кириб келаётган дори-дармонларға тегишлилиги белгиланган бўлди.

2. Тиббий тез ёрдам хизматиға телефон қилсангиз, айрим ҳолларда русча жавоб берилиши ҳам мавжуд эди. Бу рус тилини билмайдиганларға мурожаат қилиб мақсадини тўғри тушуштиришларида анча қийинчиликлар туғдирад эди. Бу масалани тузатиш бўйича ҳам ишлар олиб боришмоқда.

3. Қўчаларда турли хил рекламалар ҳамон рус тилида ёки бошқа хориж тилларида кўзға ташланарли даражада катталаштириб, ёзилиши кишини ажаблантиради ва хайрон қолдиради. Агар суштириб келсангиз, уни ёздирган шахснинг ўзи ҳам у тилини умуман тушушмаслигиға ғувоҳ бўласиз. Сурансангиз, хорижликларға осон бўлиши учунлигини рўқча қилади. Ваҳоланки, хорижликлар Ўзбекистонни, халқимизнинг ўзига хос қадриятлари ва яшаш тарзини, осори-атиқаларини кўриш учун ташриф буюришади. Аслида бошқа хориж тилидаги лавҳалар туристлар учун Ўзбек миллатининг бошқа давлатларға қарам эканлигини маъносини англатиши билан ишлари йўқ. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А. Арипов «Жамоат жойлари, қўчалар, биолар пештоқда, турли лавҳа ва рекламаларнинг қўпична бошқа тилларда ёки мантиксиз, тушунарсиз мазмунда ва шаклда акс эттирилиши бунга сабаб бўлмоқда» - деб ҳаққоний танбех берганлиги эътиборға молик масала бўлиб, уларни тезкорлик билан давлат тилиға ўтказиши ишорадир.

4. ОАВларида ўзбек адабий тилида эмас, балки ҳудудий шеваларда гапириш адабий ўзбек тилининг мавқеиға пугур етказмоқда. Бунинг ҳам тезлик билан чорасини кўриш лозим.

5. Баъзи раҳбар-ҳодимлар омма ўртасида ўзбекча ва русча сўзларни қўшиб гапиришади ва Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро симпозиумлар ва анжуманларда эса, асосан рус тилида маъруза қилишади. Бу ҳолға ҳеч қўйишининг аллақачон вақти келмадимки деган савол туғилади ва албатта ўзбекчаға ўгириш лозим.

6. Фарзандларимизға ва бошқа миллат вакиллариға ўзбек тилини ўргатиш ҳам талаб даражасида эмас, ўзбек тилини ўрганишға интилувчилар рағбатлантирилмайди, ўзбек тилини ўргатуви пулсиз курслар очиш ва арзон, сифатли китоблар нашр қилиш, бу албатта, давлат тилини сифатли амалға оширилишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Урол АБИЛОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирининг маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ривож этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Тиббиётимиз фидойилари

УНИНГ ҚЎЛЛАРИ ҲАЁТ БАХШ ЭТАДИ

Дунёда шундай инсонлар бўладики, уларнинг яшашдан мақсади фақат одамларга яхшилик қилиш, уларга қувонч бағишлаш, кўнглини кўтаришдан иборат. Фидойий шифокор, самимий инсон, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Ҳатамов Қодиржон Ҳасанович ҳақида ўйлаганимда ана шундай фикрлар кўнглимдан кечади. Қодиржонни Сирдарё вилоятига ишга келган дастлабки йиллардан буён яхши биламан. У билан турли вазиятларда ишонасида, тадбирларда, маракатларимизда кўп учрашганимиз.

У 1982 йил Сирдарё вилоят шифохонасига врач-хирург вазифасига ишга келиб, 1987 йилгача хирургия бўлимида раҳбар сифатида фаолият кўрсатди. У бу вазифага тайинланганда 25 ёшли йигит эди. Чехриси очик, нигоҳларида болаларча самимий сақланган қолган хушсурат, баланд бўйли бу йигит ҳар қандай учрашган одамда яхши таассурот қолдирди. Бунинг устига у ўзининг юксак маданияти, хушмуомалалиги, камтарлиги, одамшанавандлиги билан барчанинг ҳурмати сазовор бўлди. У билан бир марта сўхбатлашган одамнинг кўнглига аллақандай эзгулик, мунавварлик кириб келади. Бу Қодиржоннинг табиятидаги инсонга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборнинг натижаси бўлса керак.

Тиббиётда шундай гап бор: шифокор ҳузурига келган беморни, энг аввало, ширин сўзи билан, илик меҳри билан, алоҳида эътибори билан даволай бошлайди. Зеро, яхши шифокор ўз беморининг аввало, руҳининг даволайди, хасталик исанжасидан омон чиқишига, исатмон соғайиб кетишига ишонч уйғотади. Бемор ўзини даволаётган шифокорга дилдан ишонганига соғайиши осон кечади.

Қодиржон Ҳасанович Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида улғайган. У Тошкент давлат тиббиёт институтини 1979 йилда тугатиб, уч йил институт клиникаси хирургия бўлимида врач-ординатор вазифасида ишлади. У шу муддат ичида ўзининг юксак маъсулияти ва салоҳияти, изланувчанлиги ва ўзига бўлган талабчанлиги билан жамоадагиларнинг эътиборига тушди. Ҳақиқатда Сирдарё вилоятида малякали шифокор кадрларга катта эҳтиёж борлиги сабабли 1987 йилда Сирдарё вилоят шифохонаси бош врач ўринбосари

ри лавозимига ишга ўтказилди.

Қодиржон Ҳасанович ўшандан бери малакали, тажрибали, билимдон шифокор сифатида халқнинг хизматида. У ҳам яхши шифокор, ҳам раҳбар сифатида ҳамкасблари орасида чуккур ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди. Минглаб беморларни ҳаётга қайтарди, умрини узайтирди, дардига малҳам бўлди. Юзлаб оилаларга қувонч бахш этди, оғир беморларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Бугунги кунда Қодиржон Ҳасановични бутун вилоят аҳли кўли энгил жарроҳ, самимий инсон сифатида эътироф этади, қадрлайди ва эъзозлайди. Қодиржон Ҳасанович ўзи билан бирга ишлайдиган ҳамкасбларига яхши дўст, тажрибали шифокор, жарроҳ сифатида ҳаммаи ёрдам қилини чўзади. У ўз жамоасида кўплаб шогирдлар етиштирди. Мураббий шифокорнинг ўнлаб издошлари, шогирдлари вилоятда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар, ўз билим ва тажрибалари билан беморлар саломатлигини сақлашга хизмат қилмоқдалар.

Одатда, ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққатлари, масъулияти, қийинчиликлари ва муаммолари бўлади. Тиббиёт соҳаси эса бошқа соҳаларга мулкдор ўшамайдиган соҳа. Шифокор хато қилиши мумкин эмас. Унинг кичкина хатоси унга ўз ҳаётини ишониб топширган бемор учун қимматга тушиб, унинг ҳаётини барбод қилиши мумкин. **Қодиржон Ҳасанович ўз шогирдларига мана шу ҳақиқатни тез-тез эслатиб туради. Ҳеч бир шифокорнинг бир лаҳза бўлсин лоқайд бўлишига, бепарво бўлишига ҳаққи йўқ. У ҳар дақиқада Гипократ қасамини ёдда тутиши лозим.**

Одатдаги иш кунларининг бирида кексароқ аёл Қодиржоннинг ҳузурига кириб келди. Унинг хоржин чехрасида, кўзларида сароси-

малик, безовталиқ, хавотир, ташвиш зоҳир эди. У аёл ёшгина қизини етаклаб келган, уни ўтида тўпланиб қолган тош касаллиги безовта қилаётган эди. У кучли оғриқдан қийналарди. Тажрибали жарроҳ беморни синчиклаб кўздан кечирди, касаллик тафсилотларини суриштирди, оғриқ қачон бошланганини сўради. Сўнгра аёлга юзланиб деди:

– Опажон ташвишланманг, қизингиз соғайиб кетади. Уни ҳозир шифохонага ётқизамиз, оғриқларини қолдирамиз. Сиз рози бўсангиз, икки кундан кейин операция қилиб, ўт қопини олиб ташлаймиз. Шифокорнинг хотиржамлик билан айтган гапларидан аёл баттар хавотирга тушди. Операция ҳақида докторнинг бамайлихотир гапириши уни ҳайратга солди:

– Укажон, операция қилмай даволаса бўлмайди? Қизим ҳали жуда ёш. Ногирон бўлиб қолмай-дими?


– Сиз ташвишланманг. Аввало қизингизнинг умумий ҳолатини кели кун давомида кузатамиз, таҳлиллар оламиз. Ўт пуфagini УТД аппаратида текшириб кўрамиз. Операция қилмасдан даволашнинг иложи бўлса, албатта даволаймиз. Аёл эртаси куни қизини кўргани келганда унинг аҳоли анча яхшилигини, оғриқлар қолганини гувоҳи бўлди. Қодиржон Ҳасанович ўз сўзининг устидан чиқди. Бемор касалхонадан соғайиб чиқиб кетди, шифокор беморга ўз тавсияларини батафсил тушунтирди, парhezга алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлади.

... Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Гулистон шаҳрида яшаган Босим ҳожи ота Йулдошев (Худо раҳматига олган бўлсин) ни жуда яхши танидим. Биз у билан бир мактабда ўқиганмиз. Хулчақчақ табиатли, ҳаётни қаттиқ яхши кўрадиган, ҳеч қандай машаққатлар олдида эсанқирамайди, иродаси мустаҳкам инсон эди. У давраларга кирса, ҳеч кимга сўз бермас, теша тегмаган гаплари, латифалари билан ҳаммани қулдирад, даврага кўтаринки қайғий бағишлар эди. Босим ҳожи ота шифохонага тушиб қолибди, операция қилинган, деган гапни эшитиб, шифохонага у кишини кўргани бордик. Оғир операцияни бошидан ўтказганига қарамай, ҳожи ота доимидек хушчақчақ, қулиб ётибди:

– Қодиржон ичимдаги ҳамма

аъзоларимни таъмирлаб қўйди. Худо хоҳласа яна юз йил яшамокчиман. Бу Қодиржоннинг қўллари мўъжиза яратади, унинг фаританинг ўзи. Ҳаётимни фақат шу докторга ишонман. Биз ҳаммамиз кўнглимизда ҳожи отанинг фикрига қўшилдик. Дарҳақиқат, шундай Қодиржон Ҳасанович бутун умрини беморларни ҳаётга қайтаришга бағишлади. Мен шифокорнинг умрини атрофга нур сочиб, кичрайиб бораётган шамга ўхшатаман. Зеро, яхши шифокор, унинг беминнат хизмати одамларни ҳаётга қайтаради, умрини узайтиради. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, касал бўлиб қолса, шифокорнинг олдига чопамиз. У бизнинг кўзимизга наҳот фаританиси бўлиб қўринади. У бизнинг руҳиятимизни, жисмишимизни даволайди, шифо бахш этади. Дардан фориг бўлган, докторга миннатдорчилик билдирамиз. Оз вақт ўтган касал бўлганимизни ҳам, докторнинг хизматларини ҳам унутамиз. Инсоннинг табияти шундай. Ваҳоланки, қайтиб берилган соғлигимиз учун биз шифокордан бир умр қарздоримиз.

Қодиржон Ҳатамовнинг Сирдарёга ишга келганига қарий 40 йил бўлибди. 25 ёшида раҳбар лавозимига тайинланган шифокор бугун вилоятда ардоқли инсон, ундан шифо топан минглаб сирдарёликлар "Бизнинг Қодиржон" деб у билан фахрланишадди, уни улуғлашади. У Сирдарё вилоят шифохонаси бош врач ўринбосари, Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали директори, Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали директори, Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий мар-



кази Сирдарё вилоят филиали директорининг даволаш бўйича ўринбосари лавозимларида ишлади. 2013 йилдан ҳозирги кунгача Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали хирургия бўлимида етакчи хирург вазифасида ишлаб келмоқда.

Ота-онаси Қодиржонга исм қўйишганда улуг инсон бўлсин деб, ният қилишган. Қодиржон ўз исмига муносиб, имон-эътиқодли инсон бўлди, бутун умрини одамларга яхшилик қилишга бағишлади. Қодиржон Ҳасанович энг бахтли инсон. Бу бахтга у элга қилган ҳалол хизматлари тўғрисида сазовор бўлган. Зеро, инсонга эл-юрт ҳурмати, эътибори ва эътиборидан ортиқроқ мукофот йўқ.

Мен Қодир Ҳасановичнинг умр йўли ҳақида, унинг элга қилган хизматлари ва ибратли ҳаёти ҳақида ўйлар эканман, шундай мисралар кўнглимга қўйилади:

**Кимдир умр бўйи қасрлар курди,
Бўлмоқчи эди у ҳаммадан устун.
Ким мансаб тиланиб, зир-зир югурди,
Ўзини дунёга танитмоқ учун.**

**Ким чироқ кўтариб, дилларга кирди,
Маҳзун кўнглиларни ёритмоқ учун.
Умрин бағишлади, чиркин дунёнинг,
Дард-у губорларин аритмоқ учун.**

**Мансаб деб югурган, қаср курган ҳам,
Омон бўлсин, у ҳам ўтади бир кун.
Оламини ёритиб, тугаётган шам –
Чироқ кўтарганга шарафлар бўлсин.**

**Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОСЛАШТИРИШДАГИ ФАОЛЛИК

Тошкент давлат стоматология институти томонидан "COVID-19 пандемияси даврида Ўзбекистон ва Россияда олий тиббий таълим тизимларининг мослашиш концепцияси" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Президентимиз томонидан олий таълим тизимини комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари белгилаб берилди. Ҳар бир олий таълим муассасаси каби Тошкент давлат стоматология институти томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш белгиланган. Таъкидлаш жоизки, Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан

тузилган рейтингда ушбу институт юртимиз олий ўқув юрталари орасида 8 ўринни эгаллаган.

Институтда 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб факультетларнинг барча курсларида инглиз тилида ўқитиш йўлга қўйилган. Бундай замонавий имкониятлар малакали кадрлар тайёрлаш, тиббиёт соҳасида жаҳон талабаларининг илгор амалиётларини кенг жорий этиш, халқимизга кўрсатилмаётган тиббий хизматни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлмоқда. Халқаро кўшма икки дипломли таълим дастурлари сони: бакалавриятда 4 та, магистратурада 9 та, клиник ординатура йўналишлари бўйича 3 тага етди. Ушбу институт мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари орасида биринчи

бўлиб ўз факультет филиалини хорижда, Қозоғистонда ташкил этган.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг кўплаб олий таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган қарор ва фармонларининг ижроси сифатида юртимизда ilk бор олий таълим муассасалари ичида Тошкент давлат стоматология институти халқаро аккредитациядан ўтказилди ва ISO 9001:2015 халқаро сертификатини қўлга киритганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ушбу ислохотларнинг мантикий давоми сифатида Тошкент давлат стоматология институти томонидан куни кеча ташкил қилинган "COVID-19 пандемияси даврида Ўзбекистон ва Россияда олий тиббий таълим тизимларининг мослашиш концепцияси" мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманда икки давлат олий таълим муассасаларининг 10 дан ортиқ етакчи мутахассислари ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Ушбу тадбирда, пандемия дав-



ридаги икки давлат тиббий олий таълим тизими олдида турувчи муҳим вазифалар, XXI аср тиббий таълими: бугунги кун муаммолари, устуворликлари, йўналишлари, муаммолар ва уларнинг ечимлари, тиббий таълимда инновациялар, стоматология соҳасида кадрлар тайёрлашда инновацион ечимлар, кўшма таълим дастурларини ишлаб чиқиш тартиби ва амалга ошириш тажриба-

си, тиббий олий таълим тизимини нуфузли халқаро талабларга мослаштириш ва йўналишларни халқаро аккредитациядан ўтказиш каби муҳим мавзуларда маърузалар тингланди, муаммоларни ўтказилди ва фикр алмашилди.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.**

Фан уфқлари

500 НАФАРДАН ОРТИҚ БОЛА ТУГМА ЮРАК НУҚСОНИДАН ФОРИФ БЎЛДИ

Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази коронавирус пандемияси давридаги вақтинча танаффусдан сўнг яна ўз фаолиятини бошлади.



– Марказимиз нафақат Самарқанд балки Республикаимизнинг бошқа худудларидан, жумладан, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ви-

лоятларидан келадиган бемор болаларга ҳам тиббий хизмат кўрсатади, – дейди Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош ши-

фокори Маматкул Азизов.



– 16 мартдан юртимизда карантин эълон қилинган бемор фарзандини даволаш ниятидаги ота-оналар биров қийин аҳволга тушиб қолди. Яқинда марказимиз яна фаолиятини бошлади ва беморларни қабул қиляпмиз. Хусусан, бундан икки йил олдин ташкил этилган болалар кардиохирургия бўлимида тугма юрак нуқсони билан туғилган болаларда мураккаб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, марказнинг мазкур бўлимида Москвадаги А. Бакулев номидаги юрак кон-томир хирургияси ва бошқа хорижий нуфузли муассасаларда фаолият кўрсатган, малака ошириб келган ходимлар иш олиб бормоқда.

Бўлимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мураккаб жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли амалга ошириш учун соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўн турга яқин замонавий тиббий асбоб-ускуналар берилди.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги эса 1 миллиард 900 миллион сўм маблағ ажратиб, сунъий қон айланттириш аппарати келтирди.

Бундай имкониятлар туфайли шу пайтгача фақат хорижда бажарилган болалар тугма юрак нуқсони билан боғлиқ операциялар ҳозирда шу ернинг ўзида амалга оширилмоқда. Бўлим ташкил этилганидан буён 500 дан ортиқ бемор болада ана шундай жарроҳлик амалиёти қўлланилиб, улар дарддан фориғ бўлди. Бу болажонларнинг 40 фўздан ортиги 1 ёшгача бўлган гўдақлардир.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунё бўйича ҳар бир минг чақалоқнинг 6-7 нафарида тугма юрак нуқсони қайд этилади. Айни пайтда Самарқандда 3500 нафар болада шундай хасталик мавжуд ва уларни жарроҳлик йўли билан даволаб, тўлақонли ҳаётга қайтариш мумкин, дейди марказ мутахассислари.

Ғолиб ҲАСАНОВ.

Истеъдод

ЁШ ОЛИМНИНГ «ОЛАМИ»

Халқимизда “Олим бўлсанг олам сеники” деган кўнгилларни осмон қадар кўтаргувчи гап бор. Бу сўзлар инсонларда чексиз ҳурмат ва қизиқиш уйғотади. Олиму изланувчи кишилар ҳамisha элнинг ардоғида бўлиб, юртинг фахри гурури ҳисобланади.

Шу сабабли ёшларимизда илм-фанга қизиқиш, янгилик ва инновациялар яратишга интилиш кучли. Ана шундай тиниб-тинчимас, изланувчан ёшларимиздан бири Исломжон Бектошевдир. Исломжон Андижон давлат тиббиёт институти даволаш факультетининг 5 – босқич талабаси. Ёш тадқиқотчи шу даврга қадар 33 та илмий мақола, 120 дан ортиқ тезис, 4 та патент, 2 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 32 та рационализаторлик таклифи муаллифи бўлишга улгурди. Исломжон тиббиётнинг кардиология ва юқумли касалликлар йўналишларига қизиқади ҳамда касалликларни олдини олиш ва самарали даволашга киришган.

Исломжоннинг инновациялар яратиш бўйича ҳам фаолияти салмоқли бўлмоқда.

“Таймерли дори қутича” – гипертония ва қандли диабет касалликларини олдини олиш ва даволаш”, “Қувноқ оёқчалар” – диабетик тўпиқ синдромини олдини олиш ва даволаш учун, STOP ТВ лойиҳаси фтизиатрияда сил касаллигига чалинган беморларда касалликни дорига турғун формасига ўтказиш олидини олиш, Botulinicator – бу индикатор ёрдамида аҳоли орасида овқатдан захарланиш ва маҳаллий захарланишларни олдини олиш каби қатор янги кашфиётларни юзага чиқариб, амалиётда синаб кўришга қўл урди. Бу янгиликни яратиш ва қўллашда у устозлари – доцентлар Гулчехраҳон Қодирова, Маҳфуза Мадумарова, Роза

Ҳақимова, Дилдора Мирзакаримова, Шахноза Юсупова, Тўхтасин Абдуназаровлар билан ҳамкорликда ҳамжиҳат иш олиб бормоқда. Ёш олимнинг орзуси – кардиоревматолог бўлиш.

Исломбек, шунингдек, ижтимоий лойиҳаларга ҳам қўл урган. Унинг “Саломатлик тарғиботчиси” мавсумий касалликлар кўпайган пайтда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш лойиҳаси Андижон шаҳридаги “Ўзгариш” МФИда амалга оширилмоқда. Кўнгиллилар ишидан яқка ёлғиз, ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар миннатдор бўлмоқдалар.

Ёш тадқиқотчи бадий адабиётларни ўқишга ҳам қизиқади. Айниқса, жаҳон адабиёти хазинасидан Граф Монте Кристо асарларини севиб ўқийди. Шу боис бўлса керак Исломжон келгусида илмий-оммабоп, публицистик мақолалар ва китоблар ёзишни ҳам ният қилиб қўйган.

Айни карантин вақтида ҳам жонкуяр талабамиз елиб-югуриб онлайн конференцияларда иштирок этиш, тайёргарлик кўриш, устози Д. Мирзакаримова билан биргаликда тарғибот ишларида ҳам алоҳида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Ўзи ёш бўлишига қарамай, тиббиётда анча йirik лойиҳа ва янгиликларга пойдевор яратишга улгурган бу эътиборли ва заковатли ёш олимнинг илмий инновацион ютуқлари кундан-кунга ошиб бормоқда. Яқинда у Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўтказилган “Талабаларнинг илмий жамияти” илмий-амалий конференциясида иштирок этиб, номинация ғолиби сифатида эътироф этилиб – диплом,



Тошкент фармацевтика институтида ўтказилган аънавий “Абу Али ибн Сино ва замонавий фармацевтикада инновациялар” халқаро илмий-амалий анжуманида қатнашиб, сертификат, Бухоро давлат тиббиёт институтида ўтказилган “Тиббиёт талабаларининг халқаро 2–конференциясида қатнашиб, диплом билан тақдирланди.

Биз ҳам ёш тадқиқотчи Исломжоннинг келгуси изланишларига омадлар тилаб, катта ютуқларга эришишига тилақдошимиз.

Раъно ҲАЙИТБОВА,
журналист.

ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМ СИЗЛАРГА

Президентимиз томонидан инсон саломатлигини сақлашга қаратилган эътибор ва ғамхўрликларидан миннатдорман. Шифо масканларида мен каби қариялар ва фахрийлар учун яратилган шароит ва имкониятлар дилни яйратади.

Яқинда саломатлигимни тиклаш мақсадида Тошкент шаҳар 7-клиник шифохонасининг кундузги бўлимига даволаниш учун йўлланма асосида бордим. Мазкур тиббиёт муассасасидаги шароит ва имкониятлар, шунингдек, фаолият юри-таётган шифокору, ҳамшираларнинг фидойи меҳнатларига қанчалар раҳмат айтсакда арзийди. Айниқса, тажрибали бош шифокор Каримжон Муҳаммадиев, уларнинг ёрдамчилари Шахнозахон Мирсағатова, бўлим бошлиғи, олий тоифали врач Сайёрахон Салишева ва бир-биридан қаҳон ҳамширалар Мавжудхон, Лазизахон, Шахлохон, Лобархонлар мингмиглаб беморларга беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Бундай қалби пок шифокорларга кўлгина беморлар номидан дил изҳорини билдириб, уларнинг халқимиз дусини оилб юришдек ишларига зафарлар тилаб қоламан.

Шухрат МУҲАМЕДОВ,
меҳнат фахрийси.

КОРОНАВИРУС ВА СИЛ ҲАҚИДА ТУШУНЧАЛАР

Коронавируслар – вирусларнинг катта оиласи бўлиб, аксарияти инсонлар учун зарарсиздир. Уларнинг 4 та тури шомоллашга, 2 таси оғир ўпка хасталигига олиб келади (SARS va MERS). COVID-19 (2019 йилда пайдо бўлган Коронавирус хасталиги) деб номланган хасталик январь ойининг бошида Хитойда топилган ва коронавируслар оиласининг аъзоси сифатида аниқланган ва вируслар оиласидан келиб чиққан.

COVID-19?

СИЛ?



Сил микобактерияси силга сабабчи бўлади. Бактерияни 1882 йил Роберт Кох очган, лекин бундан минг йиллар аввал силнинг тарихий далиллари борлиги ишбатланган.

COVID-19 ва Силнинг ўхшаш тарафлари нимадан иборат?

СИЛ – ҳаво томчи йўли орқали, яъни нафас олиш орқали одамларга юқади. Сил бацилласи 6 соатгача ҳавода қолиши мумкин, лекин уларнинг концентрацияси ҳаво ҳаракати (очиқ деразалар, яхши шомоллаштиладиган жойлар) ва тўғридан-тўғри қуёш нури таъсири остида камаюди, яъни нобуд бўлади.

COVID-19 – йўталаётган одамдан ҳаво томчи йўли орқали нафас олиш маҳалида юқади ёки зарарланган нарсаларга қўл теккизилган ҳолатда юқтириб олинади. Бу вирус нафас йўллари зарарлайди.

Асосий аломатлари

Ланжлик ва тана ҳароратининг кўтарилиши (иситма), йўтал ва баъзан пневмония ва кейинги босқичда нафас олиш қийинлашувидир.

Бугунги кунда шунга амин бўлдики, вирус зарарланган юзларда бир неча соатгача яшashi мумкин, шунинг учун қўл теккан барча зарарланган сиртлардаги вирусларни барбод этиш мақсадида қўлни ювиш ниҳоятда афзалдир. Шу сабабдан одамлар юз, оғиз, бурун ва кўзларига тегмасликлар керак, чунки улар инфекциянинг кириш нуқтаси ҳисобланади.

COVID-19 ва Сил ўртасидаги асосий фарк нимадан иборат?

Энг катта фарқи - бошланиш тезлиги. Сил аломатларини секин-асталик билан намойиш этади, яъни маълум бир вақт ичида ёки ҳафта, COVID-19 да эса аломатлар бир неча кун давомида намойиш бўлади.

Силми?

ёки

COVID-19?



Йўтал



Иситма



Нафас қисилиши

COVID-19 аломатлари сил касаллигига ўхшаш бўлиши мумкин, аммо одатда аломатлар бошланадиган тезликда фарқ бор. Агар сизда COVID-9 га ўхшаш энгил аломатлар бўлса, сил касаллигининг тўлиқ даволаш учун даволашинингизни давом эттиришингиз муҳимдир. Ҳозирги вақтда силга қарши дори-дармонлар сезиниб COVID-19 хавфини ошириши ҳақида ҳеч қандай далиллар йўқ. Сил касаллиги учун тестлар одатда балғамни сил бактериялари учун синовдан ўтказишни ўз ичига олади. COVID-19 синовлари юқори нафас олиш назофаренгеал (бурунли) ютиш ёки балғамни текширишни талаб қилади.

СИЛ COVID-19

Аломатлар даври



Сил ва COVID – 19 да аломатлар пайдо бўлиш даври қандай?

Сил касаллиги одатда одамда бактериялар бўлган вақтга эга, аммо одамда у яхши ва аломатлари йўқ. Силнинг латент инфекцияси бўлган одамлар юқумли эмас ва сил касаллигини бошқаларга юқтира олмайди. Сил касаллиги бактерияларини юқтирган киши: бир неча ҳафта ичида касал бўлиб қолиши мумкин (эхтимол иммунитет заифлашганлиги сабабли); иммунитет заифлашганда ва касалликка қарши кураша олмайдиган бактерияларни кўп йиллар давомида олиб юргандан кейин касал бўлса; ёки юқтирса, лекин ҳеч қачон касал бўлмайди.

Ҳозирги вақтда COVID-19 аломатлари таъсир қилишдан 2-14 кун ўтгач пайдо бўлиши мумкин.

ТАҚҚОСЛАШ

СИЛ VS COVID-19



* **Тарқалиши:**

* **Ҳаво-томчи орқали**

* **Ташхис: нима асос?**

Йўталаётганларга балғам тестлари қўлланилади. Аломатларга биноан бошқа тест ўтказилади. Ҳозирги кунда бурун безлар ва ёки балғам текшируви қўлланилмоқда.

Патоген

Сил микобактерия комплекси;

Оғир ўткир респиратор coronavirus 2 синдроми (SARS-CoV-2).

Юқиши

Йил мобайнида фаол сил билан 1 та зарарланган бемор яқин контакт орқали 5-15 нафаргача инсонга юқтириши мумкин.

Ҳозирги пайтда ўртача ҳисобда 2.2 одам COVID-19 билан зарарланган.

Олдini олиш

Инфекцион назорат қоидаларига риоя қилиш орқали:

Масофани ушлаш;

Респиратор гигиенаси услубларини қўллаш;

Қўлларни совун билан камида 20 сония мобайнида ювиш.

Даво

Сезувчан сил учун - 6 ой мобайнида 4 та антибиотик.

Дориларга чидамли ТБ - камида 4 та антибиотик 9-24 ой мобайнида.

Ҳозирча қўллаб-қувватловчи/аломатларни даволаш. Кўпгина дорилар устиди илмий-изланиш ишлар олиб борилмоқда.

Вакцина

БЦЖ, туғилган болалар учун

Илмий изланмоқда

Мабода сил касаллиги бўлган шахс COVID-19 юқтирса, қандай маслаҳат бера оласиз?

Агар COVID-19 билан зарарлансангиз, даволоччи шифокорингизга силга қарши давосини қабул қилаётганингиз ҳақида маълум қилинг. Шифокорингиз сил дорилари билан COVID-19 дориларининг бири-бирини таъсирини кесмасдан фойда бераётганлигига амин бўлиши лозим. Сил дориларини тўхтатмаслигингиз ва сил давосини ниҳоясига етказишингиз афзал. Бугунги кунда COVID-19 ни давоси топилмаган. Беморлар эса касалликни аломатларга қарши даво билан даволашнимоқда.



Мен сил касаллигидан ҳалос бўлдим, COVID-19 юқтириш хавфи кўпроқми?

COVID-19 жуда янги бўлгани сабабли, сил касаллиги билан оғриган ёки ундан олдин хасталикка дучор бўлганлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

Бироқ, COVID-19 ўпкага таъсир қилади ва одатда, сил касаллигидан кейин ўпкада қолган қолдик узғаришлар мавжуд бўлиб, бу сизда янада оғир COVID-19 аломатларини ривожланиш хавфини туғдириши мумкин.

Қандай бўлмасин, бугунги кунда ҳар бир киши юқори хавфли муҳитга таъсир қилишни чеклаш ҳақида уйлаши керак.



Ўзингизни COVID-19 дан ҳимоя қилишнинг асосий усуллари



Совун ва сув билан қўлни мунтазам ювиш (ҳар сафар 20 сония).


Йўталганда ёки аксирганда оғзингизни эгилган тирсагингиз ёки тўқима билан ёпинг.



Никобдан тўғри фойдаланиш ва вируснинг тарқалишига тўқчилик қилади.



Ижтимоий масофани сақланг. Камида 1,5-2 метр.



Мен COVID-19 ҳақида кўп ўқийман, тўғри ёки қалбаки маълумот ҳақида қандай билсам бўлади?



COVID-19 – бу жуда янги ва биз ҳар куни бундан қандай тарқалиши ва ундан ўзимизни қандай ҳимоя қилишимиз ҳақида янги нарсаларни ўрганмоқдамиз. Сиз ўқиётган ёки ўзгараётган маълумотни текширишининг энг яхши усули – тўлиқ маълумотли ва текширилган веб-сайтларидир. Ишончли манба сифатида сиз “Соғлиқни сақлаш вазирлиги” расмий телеграмм каналларини кўриб чиқишингиз мумкин:

@koronavirustinfouz, @ssvuz, @uzssgzt ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: @qrdsst. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ишонч телефони ҳам мавжуд: 1003; бундан ташқари, “Uzreport” ва “Uzbekistan-24” телеканалларига тегишли идоралар томонидан жамоатчиликни савол-жавоб ва интерфаол баҳslashувлари асосида брифинглар намойиш этилади.

Наргиза ПАРПИЕВА,
Республика ихтисослаштирилган
фтизиатрия ва пульмонология илмий-
амалий тиббиёт маркази
директори, профессор.
Ҳасан Сафаев,
Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи.

Бугуннинг мавзуси

КОРОНАВИРУС

МЕНДА САВОЛ БОР

Козогистондан Ўзбекистонга ўтиш олдида тахлил топширса, 14 кунлик карантинга олинмай-дими?

Республика махсус комиссиянинг қарорига кўра, Япония, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси ва Исроил давлатида охириги 14 кун ичида бўлиб турган ва Ўзбекистонга кириб келган шахслар карантин назоратига олинмайди.

Европа Иттифоқи, Малайзия, Таиланд, Сингапур давлатларидан келган шахслар 14 кун давомида уй карантини олинадиган бўлиб, қолган бошқа давлатлардан Ўзбекистонга кириб келган шахслар эса 14 кун давомида карантин назоратида сақланади.

Мажлис пайтида ҳамма

ходимлар никобда бўлиши шартми?

Албатта. Барча ҳудудларда (уларнинг тоифасидан қатъи назар) ижтимоий масофани сақлаш, фуқароларнинг тиббий ниқобдан ҳамда антисептик воситаларидан доимий равишда фойдаланиши ва никоб тақиши шарт.

Дунё олимлари томонидан ўтказилаётган тажрибалар никоб коронавирустан химоялашида асосий восита эканлиги исботланмоқда.

Нима сабабдан Тошкентда касаллик аниқланса, фақат маҳалла, вилоятларда эса бутун ҳудуд қизил деб эълон қилинмоқда?

Тошкент шаҳри бўйича касаллик қайд этилган ҳар битта тумanning маҳаллалар, мавзёлар, даҳалари ва йирик объект-

лар бўйича карантин, чеклов тадбирлари белгилаш тизимли олиб борилмоқда.

Мақсад – Тошкент шаҳри пойтахт шаҳар эканлиги боис, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ислохотлари ва ҳаракатларига таъсир қилмаган ҳолда, тадбирларни манзилли белгилаш тизимли тарзда амалга ошириш.

Шунингдек, келаси ҳафтадан Ўзбекистонда аҳолида антитаначаларни аниқлаш учун тест олиниши режалаштирилмоқда. Биз ҳозирга қадар коронавирустан билан зарарланганларни аниқлаб, уларни даволаш, вирус юқтирган беморлар билан мулоқотда бўлганларни эса карантинга олиш масалалари билан шуғулландик. Коронавирусни аниқлаш учун ПЗР тахлили лозим бўлади, холос. Антитанача-

лар шаклланиши учун эса вирус юқтирган беморлар тузалиб чиққан бўлиши лозим. Карантин чекловларини босқичма-босқич юмшатиш учун антитаначаларни аниқлаш керак бўлади. Бунинг учун Ўзбекистонда ҳам келаси ҳафтадан аҳоли орасида иммунофермен анализини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Коронавирустан тузалган бемор карантин тугагандан кейин ҳам шифокор назоратида турадими?

Йўқ, ҳеч қандай шикоятлар бўлмаса, шифокор назоратида бўлиш шарт эмас.

Бозор, супермаркет, транспорт ва бошқа жойларда коронавирус юқтириш мумкин-

Саволларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Ҳабибулло Оқиллов ва Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Ботир Қурбонов жавоб берди.

ми? Эҳтиёт чораси сифатида нима қилиш лозим?

Албатта, эҳтиёт чоралари кўрилмаса, вирус юқтириш эҳтимоли жуда юқори. Санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, ижтимоий масофани сақлаш, ақин алоқада бўлмаслик керак.

Кундан-кун ҳаво исиб бормоқда, коронавирус иссиқда нобуд бўлиши ростми?

Коронавирус 30°C ва ундан юқори даражада юқтириш фаоллигини тўлиқ йўқотади. Ҳаво намлигининг пасайиши ва тўғридан-тўғри тушувчи қуёш нурлари вирусни нобуд қилади. Ҳаво ҳарорати 70°C ва ундан юқори бўлганда вирус тўлиқ йўқолади.

«COVID-19»ГА ТАҲЛИЛНИ НОДАВЛАТ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА ҲАМ ТОПШИРИШ МУМКИН

Ҳозирги кунда шифохоналардаги беморлар, уй ва стационар карантинда тиббий кузатувда бўлган барча фуқаролар тиббий кўрсатмага мувофиқ, мунтазам лаборатор текширувлардан ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизда бошқа фуқаролар учун ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги вирусологик лабораторияларда "Covid-19" инфекциясига белул тахлидан ўтиш имконияти яратилган. Кечанинг ўзида 16 897 та, эпид мавсум давомида эса 1 055472 та тест сивони белул ўтказилди.

Мамлакатимизда коронавирус инфекциясини эрта аниқлаш кўламини кенгайтириш ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек, қатор ташкилот ва фуқароларнинг бу ҳақдаги муносабатлари

рени эътиборга олиб, жорий йил 24 июндан бошлаб давлат ва нодавлат ташкилотлари ходимлари ҳамда фуқаролар учун ушбу инфекцияга тахлил топширишда ихтиёрий, пуллик асосда нодавлат тиббиёт ташкилотлари хизматларидан ҳам фойдаланиш имконияти яратилди.

Эндиликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталиги агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказлари билан тегишли тартибдаги шартномани имзолаган ҳамда лаборатория-

си талабга жавоб бериши тўғрисидаги хулосани олган барча нодавлат тиббиёт ташкилотлари коронавирус инфекциясини фақат полимер занжирли реакция (ПЗР) усулида текширишлари мумкин.

– Ёз лабораториясида коронавирус инфекциясини занжирли полимер реакция усулида, пуллик асосда текширишни ташкил этмокчи бўлган нодавлат тиббиёт ташкилоти, аввало, бу борада белгиланган барча санитария-эпидемиология талабларига риоя қилиши лозим, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Лицензиялаш ва аккредитациялаш бошқармаси бошлиғи Фарҳод Раҳимқуллов. – Текширувда қўлланиладиган тест-синама (диагностикум)лар ҳудудий санитария

осойишталиги марказлари билан келишлади. Коронавирус инфекциясини лаборатор шартнолада аниқлаш нарҳини нодавлат тиббиёт ташкилоти мустақил белгилайди.

Лаборатор тахлил учун намуна (суртмалар) нодавлат тиббиёт ташкилотининг ўзида, шу билан биргаликда, сўровга кўра, муносабат қилувчининг ташкилотига, фуқароларнинг яшаш манзилида ҳамда махсус автотранспортларда олинишига рухсат берилди.

Шунингдек, нодавлат тиббиёт ташкилоти ҳудудий санитария осойишталиги марказларига кунлик умумий маълумотлари ҳамда коронавирус инфекциясига илҳомий натижа берган суртмаларни етказиб беради.

Коронавирус инфекциясини

полимер занжирли реакция усулида пуллик текширишлари ташкил этишни хоҳловчи нодавлат тиббиёт ташкилотлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталиги агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларига шартнома тузиш учун муносабат қилишлари мумкин.

Ўз навбатида вазирлик "Covid-19" га тахлилни ўтказиш бўйича шартнома имзолаш нодавлат тиббиёт ташкилотлари тўғрисида қўшимча маълумот беради.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Объявление

Республика Узбекистан
Номер финансирования Саудовского фонда развития № 4/588
Проект "Строительство и оснащение современным медицинским оборудованием Республиканских специализированных научно-практических центров".

"Закупка специализированного оборудования для Республиканских специализированных научно-практических медицинских центров",
Международные Конкурсные Торги №UZB-4/588/ICB/02-Re

Министерством Здравоохранения Республики Узбекистана было опубликовано приглашение к Международному конкурсному торгам №UZB-4/588/ICB/02-Re в следующие средствах массовой информации:

- 03 октября 2019 года в газете "Правда Востока" (Узбекистан);
- 04 октября 2019 года в газете "O'zbekistonda sog'liqni saqlash" (Узбекистан);
- 03 октября 2019 года на сайте Министерства здравоохранения Республики Узбекистан;
- 03 октября 2019 года на сайте ГУП "O'zmedimpeks";
- 03 октября 2019 года на сайте Tenderweek.com.

Настоящим Министерство здравоохранения Республики Узбекистан информирует о результатах проведения вышеуказанных торгов.

РЕЗУЛЬТАТЫ ПРОВЕДЕНИЯ ВЫШЕУКАЗАННЫХ ТОРГОВ

№ Лота	Наименование участника	Страна участника	Общая сумма контракта
1	Uzbek-Chinese Trading House Limited	Китай	EUR 318 500,00
2	Uzbek-Chinese Trading House Limited	Китай	EUR 102 300,00
3	Uzbek-Chinese Trading House Limited	Китай	EUR 267 000,00
4	Uzbek-Chinese Trading House Limited	Китай	EUR 888 000,00
5	Ре-тендер		
6	Ре-тендер		
7	G. Heinemann Medizintechnik GmbH	Германия	EUR 1 078 900,00
8	Ре-тендер		
9	Swanston LP	Великобритания	EUR 814 197,00
10	G. Heinemann Medizintechnik GmbH	Германия	EUR 36 000,00

Объединенная Группа Реализации Проектов
ул. Паркентская, д. 51, г. Ташкент, 100007,
Республика Узбекистан, ТашИУВ

Тел.: (+998 71) 268-12-13, 268-25-39, Факс (+998 71) 267-73-47
e-mail: sfd.ssmc@gmail.com

The Republic of Uzbekistan
SFD's Financing No: 4/588

"Construction and Equipping Specialized Scientific Medical Centers with Modern Equipment" Project

"Procurement of Specialized Equipment for Republican Specialized Scientific Medical Centers",

International Competitive Bidding (ICB) UZB-4/588/ICB/02-Re

The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan announced the Invitation to ICB No. UZB-4/588/ICB/02-Re in the following mass media:

1. October 03, 2019 on local newspaper "Pravda Vostoka";
2. October 04, 2019 on local newspaper "O'zbekistonda sog'liqni saqlash";
3. October 03, 2019 on the official website of Ministry of Health of Uzbekistan;
4. October 03, 2019 on the official website of State Unitary Enterprise "O'zmedimpeks";
5. October 03, 2019 on the website of Tenderweek.com.

Hereby, the Ministry of Health of Uzbekistan announces the results of the tender No. UZB-4/588/ICB/02-Re.

OUTCOMES OF THE BIDDING

Lot No.	Winner of ICB	Country	Amount of awarded contract
1	Uzbek-Chinese Trading House Limited	China	EUR 318 500,00
2	Uzbek-Chinese Trading House Limited	China	EUR 102 300,00
3	Uzbek-Chinese Trading House Limited	China	EUR 267 000,00
4	Uzbek-Chinese Trading House Limited	China	EUR 888 000,00
5	Retender		
6	Retender		
7	G. Heinemann Medizintechnik GmbH	Germany	EUR 1 078 900,00
8	Retender		
9	Swanston LP	Great Britain	EUR 814 197,00
10	G. Heinemann Medizintechnik GmbH	Germany	EUR 36 000,00

United Project Management Unit (UPMU)

Address: Tashkent Institute of Advanced Medical Education,
51, Parkent Str., Tashkent City, 100007, the Republic of Uzbekistan.
E-mail: sfd.ssmc@gmail.com

Мутолаа завқи

«КУНДУЗ»НИ КЎРМАГАН ШЎРҚИСМАТ ЗЕБИ...


Адабиёт аллақачон ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурган, десак ҳеч муболага бўлмайди. Шу боис, буюк адиблар яратган асарларда баъзан ўзимизни ҳам учратиш қоламиз. Яна шундай асарлар борки, улардаги ёқтирган қаҳрамонларимиз бир умрга севишли ҳамроҳимизга айланади ва хотирамизга мангу муҳрланади. Уларни ёд олганимизда эса гўёки яқин кишимизни кўргандек бир олам завқ туямиз.

Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романини аксарият китобхон "Кумушбиби" деб эслайди. Ўзбек адабиётида шу каби яна бир кумуштабиат сиймо борки, у ҳам бўлса Зеби, Зебонадир. Бу мунис исм бизга Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон қолдирган маънавий бойлик – "Кеча ва кундуз"ни эслатади.

Асарда Зеби тимсолида аср-

матини ўйлатадиган, ич-ичимизда ачиниб хисларини уйғотадиган манзаралар билан алмашиб боради. Ҳа, Зеби туғилиб ўсган оила анчагина ночор, камбағаллик гирдобига botган оила эди. Бироқ китобхонни таъсирлантирадигани камбағаллик ботқоғининг асоратларининг чизгилари деб бўлмайди. Негаки, камбағаллик инсоннинг бахтли бўлишга у қадар ҳалал бермайди ахир. Гап Зебининг ўз оиласидаги зиддиятларга кўникишдадир.

Асарда ёзувчи мақсадининг моҳиятини очиб беришга яна бир қаҳрамон – Зебининг отаси, жоҳил Раззоқ сўфи муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда савол туғилиши мумкин, яъни Зеби оиланинг яқка-ю ягона фарзанди бўлса, қолаверса, минг қаҳрли инсон ҳам ёлғиз фарзандини нечоғлик сўйиб, эр-қалашини яхши биламиз, шундай экан адиб Раззоқ Суфи характерига нега айнан бу тарзда бўёқ тортган? Чўлпон унга: "Ўз уйининг қабристонлар қадар жимжит, хонақоҳлар қадар унсиз, ўз кўнгли қадар тунд ва хўмрайган бўлишини истаган Раззоқ сўфи", дея таъриф беради. Табиийки, роман воқеликлари марказига олинган Зебининг фожияси ўша даврнинг ижтимоий ҳаёти ва муҳити билан боғлиқ эди. Раззоқ сўфи эса ўша муҳитнинг типик вакили – тунд ва бағри тош одам. Албатта, ёзувчи мазкур қаҳрамонни бошқача тимсолда ҳам талқин қили-



да ҳеч бир детални назардан қолдирмаган. Жумладан, Зеби ахшигина ашулачи бўлиб, бунга ота-онаси, кўни-қўшнилари ҳам яхши билади. Тенгдошлари эса унинг сехрли овозига ҳамиша ташна. Ёзувчи Зебининг бу фазилатни тасвирлашда бўёқни аямайди. Зеби билан аравакаш йигит Ўлмасжон ўрталаридаги муҳаббат чизгилари ҳам ёзувчи томонидан маҳорат билан тасвирланади. Зеби билан Ўлмасжон ораларидаги муҳаббат шу даражада лирик кайфиятларга йўғрилганки, бу муносабатнинг якуни фожиа билан якунланади, деб ўйламайсиз. Яхшиямки, инсоният келажагини олдиндан кўра олиш қобилиятига

Қурвонбиби — аламдийда ва жафокаш она, бутун ҳаёти давомида никоҳ ва диний талабларни муқаддас билган пок аёл. У дунёга келиб меҳнат қилишни, бошига неки кун келса, сабр – бардош билан чидашни билди. Лекин фарзанд доғини кўтара олмади. Суғуфта эса сўнгги дам ақл кирди, бир умр сифинган, ишониб келган инсони — ешоннинг жонига қасд қилиб, қизининг ўчини олади.

Китобни севиб мутолаа қилар эканмиз, Сўфининг "фитна"ларидан ўзга толе кўрмаган муштирап онанинг адоқсиз армонлари, биргина унинг эмас, ҳаёт кўчаларида мажнунона саргардон юришга мажбур бўлган юз минглаб толесиз ўзбек аёлларининг тимсолини кўрамиз.

Зебинининг кечинмалари эса ҳар бир кишини ўша даврдаги не-не Зебинининг қисмати, тақдири, қадри, уларнинг ҳаётдаги инсонийлик ўрни ҳақида мушоҳада юриштириш ундайди. Шу боис, Зеби образига рамзий маънода қаралади. Миллий рўҳнинг асарининг бошидан охиригача Зебининг фаолиятига раҳнамолик қилиши эса адибнинг маҳоратидир. Асар поёнида Зеби яратган самимият ва муҳаббат туйғулари қалбимиз тўрига мустақкам ўрнашиб қолганини ҳам сезмай қоламиз. Зебининг бадий олами билан маънавиятимиз яна бир поғона юксакликка кўтарилганини анлаймиз. Бу гўзаллик эса кишини муқаммалликка етаклайди.

Китоб — инсоннинг дўсти ва маслаҳатгўйи. Зебининг ҳаёти эса момоларимизнинг аччиқ қисматида тўтилган кўзга. Умри зулматга botган кеча фонидан ўтган, кундузни кўрмаган юзлаб ниҳол кўнгилланинг аччиқ, изтиробли ва шўрқисматидир. Яхшиям сизларнинг кундузингиз битилмаган, деб юборгингиз келади.

Китоб — уни яратган халқнинг бебаҳо маънавий бойлигидир. Сизга ҳам мутолаа қилишни тавсия қиламан.

Манзураҳон АХМАТЖОНОВА,
Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги
2-сонли умумий ўрта таълим мактаби она тили
ва адабиёт фани ўқитувчиси.

"Ўз уйининг қабристонлар қадар жимжит, хонақоҳлар қадар унсиз, ўз кўнгли қадар тунд ва хўмрайган бўлишини истаган Раззоқ сўфи", деб таърифлайди уни ёзувчи.

ши мумкин эди. Бироқ, ўша давр ҳаётининг зимистонга айланишига айнан шундай маллақасиз, аниқ мақсадсиз, билимсиз омма сабаби эди. Уларнинг ҳаёт, инсон, келажақ ҳақида ўз фикрлари бўлмаган, улар учун чаласавод мулаларининг айтгани айтган, дегани қонунга айланган. Уларни бу кўр-кўрона ақдаларидан қайтарувчи шахс айтарлик бўлмаган ҳам. Аҳлининг бу тур қаъми Сўфи сингари ўз жұфти ҳалолини на аёл, на инсон ва на она деб тан олган. Аёл зоти улар учун гўё қадрсиз нарса, шахсий бир буюмдек кўрарди.

Ўзбеклардаги ҳар бир эркакнинг ўз аёлини қизи ёки ўғлининг номи билан атаб чакриш одати гўёки буларга тегишли эмас эди. Сўфи ўзбекнинг бу одатини ҳам ўзича тушунади. Жўфти ҳало — Қурвонбибинини бошқа мўймин-муслмонларга ўшаб боласининг исми билан аташнинг ҳам орият билиб "фитна" деб чакиради. Сўфининг таъбирига кўра хотини ва қизи унинг буйруғи тугул уйдан ҳам чикмаслиги керак.

Зеби...Чўлпон Зеби образи-



Айтиш кераки, Чўлпон деганда кўз ўнгимизда миллат-севар ижодкор гавдаланади. Унинг қаламига мансуб ҳар бир ижод намунасида юрт, миллат тақдири ва шаънига қайғуриш сезилиб туради. У "Кеча ва кундуз"да ўзбек миллати хотин-қизларининг образи мисолида ўша давр руҳиятини очиб берган. Бунинг учун мавжуд холатга ўзгача ёндашди. Яъни, у толгани бу толганига етавермайдиган энг камбағал оиладан чиққан ўзбек хотин-қизларни тасвир объекти қилиб олади ва бор мақсадини тўлиқ ифодалашга муваффақ бўлди. Табиийки, ифода усули ҳам муқаммал даражада. Эндигина этилиб муҳаббат ёшига буй ўзган Зебининг кайфияти, ҳолатини беғубор баҳорга қиёслаш билан бошланган асар ўқувчига нималарни сўзламайди дейсиз. Адибнинг уйғониш фасли ҳақида акс эттирган белгилари эса юракларга бир олам завқ беради. Табиийки, уйғонш ва янгилиниш тимсоли баҳор фаслини ҳар биримиз кузатганмиз. У ҳақида ўз тушунчамиз, шунга монанд та-

лар оша эски урф-одатлар исқанжасида азият чекиб келган қиз-жувонлар қисмати жонлан-тирилган. Адиб танлаган қаҳрамон жуда ёш, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чўчугини татиб улгурмаган, оила ва оиладан ташқарида бўлаётган ҳаётий зиддиятларни у қадар тушунавермайдиган мўртгина ниҳол бўлса-да, қиз тасвиридаги илк рўҳий ўзгаришлар ўша давр воқеликлари ва табиат ҳамоҳанглиги билан моҳирона баён қилинади. Мисол учун: "Зебининг қиз ичи сиқилиб, занглаб чиққан кўнгли баҳорнинг илк ховури билан очила тушган: энди устига похол тўшалган арвада бўлса ҳам, аллақайларга, дала-қирларга чиқиб яйрашни тусай бошлаган эди", дея ўша давр қиз-жувонларининг ҳам қалбида олам-олам орзулар яшаётганлиги ва аслида улар ҳам бунга ҳақли эканлигини ифодаламоқчи бўлганлигини англаш қийин эмас, албатта. Ўз ўрнида бу каби чизгилар ўқувчини янада асар ичи-га олиб қиради. Аммо роман воқеликларининг бошланишидаги кишига завқ берадиган талқинлар кейинроқ эндигина гунча бўлиб очилаётган қизнинг қис-

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг
11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома
рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 1458 нуска.
Буюртма Г-650.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.